# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 28 октябрь, № 209 (5376) Жума


**2011 йил 27 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда келгуси йилда мамлакатни ривожлантиришнинг бир қатор энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатлари: 2012 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари кўриб чиқилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисда келгуси йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланишини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар, хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳажмлари ўсишини, шунингдек, инфляция даражаси ошиб кетмаслиги таъминланишини назарда тутувчи 2012 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича марказий иқтисодиёт ва молия идораларининг таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди ва маъқулланди.

Муҳокама давомида алоҳида қайд этилдики, 2012 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси аҳоли турмуш шароитлари ва даражасида янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини оширишга, шунингдек, жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини назарда тутади.

Мажлисда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни янада рағбатлантиришга, шу жумладан, уларни ишлаб чиқарувчиларга илгари берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатларини узайтириш орқали рағбатлантиришга, капитал қўйилмаларга, йўллар ва қишлоқда уй-жойлар қуриш ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари кўламларини кенгайтиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳажмларини кўпайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиқ солиш шкаласининг минимал ставкасини бир фоизли пунктга пасайтириш, шунингдек, ҳозирги вақтда Ягона тариф сеткасининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш тармоқ тизимларининг базавий даражаси сифатида қўлланилаётган бошланғич разряд ўрнига биринчи разрядни белгилаш, разрядлараро тариф коэффициентларини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар аҳолининг барча гуруҳлари реал даромадларининг кўпайишига кўмаклашади.

Солиқ сиёсати концепциясида белгиланган барча рағбатлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириш келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини 0,7 фоизли бандга пасайтириш имконини беради.

2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан умуман маъқулланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Аҳоли бандлигини фаол оширишнинг муҳимлигини ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, республика Ҳукумати мажлисида жорий йилда иш ўринлари ташкил этиш чора-тадбирларининг натижалари, шунингдек, халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашлари депутатларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Самарқанд гиламлари:
# НАФИС ВА БЕТАКРОР ЖИЛО

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада камалакнинг етти рангидек жилоланувчи гиламларимиз жаҳон бозорига чиқиб, хорижлик харидорларнинг эътибору эътирофига сазовор бўлмоқда.*

**Жараён**

Ички талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда, республикамизнинг турли ҳудудларида гилам тайёрлашга ихтисослаштирилган замонавий корхоналар фаолияти йўлга қўйилгани, айниқса, бу борада муҳим омил бўлаётир.

Самарқанд шаҳридаги “Сам-антип-гилам” қўшма корхонаси — шундай йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Дастлаб гилам савдоси билан шуғулланган тадбиркор Камол Абдуллаев юртимизда ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, 2000 йилда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунда унинг хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорлик ўрнатгани айни муддао бўлди. Натижада “Сам-антип-гилам” қўшма корхонасида тўқилган гиламлар ўша йилнинг ўзидаёқ ички бозоримизда ўз харидорларини топди. Шу тариқа мазкур корхона фаолияти йил сайин ривожланиб борди. Бу ерда ишловчилар сони бугунги кунга келиб, 500 нафарга етгани бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА:** йигирув цехи оператори Зилола Ҳамидова.

# САНОАТИМИЗ ЮКСАЛИШИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолияти мисолида яққол намоён бўлмоқда. Чунки ярмарка доирасида намойиш этилаётган маҳсулотларнинг турфа хиллиги, хизматларнинг кўламдорлиги иқтисодиётимиз жадал ривожланаётганини тасдиқлаб турибди.**

Мазкур тадбирнинг учинчи кунида иштирокчилар саноат корхоналарининг техник ва технологик салоҳияти, ишлаб чиқаришга жорий қилинган янгиликлари билан яқиндан танишдилар. Шу куни ўтказилган энергетика, кимё, нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, геология саноати корхоналарининг тақдимот маросимларида улар ана шундай имкониятга эга бўлдилар.

Заминимиз табиий захираларга, хусусан, нефть ва газ конига жуда бой. Уларни қидириш, қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш жараёни эса “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси тизимидаги “Ўзгеобурнефтгаз”, “Ўзнефтмаҳсулот”, “Ўзнефтгазқурилишинвест”, “Ўзнефтгазмаш” сингари йирик компаниялар ёрдамида амалга оширилади.

Айтиш жоизки, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ушбу тизимда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, маҳсулотлар тури ҳам йил сайин ортмоқда. Жорий йилга келиб, биргина Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар кўпайгани шундан далолат беради.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилаётган Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси маҳсулотларни етказиб бериш, янги ҳамкорларни топишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Айтайлик, ҳозирги кунда “Шўртангазкимё” мажмуасида “UzClear” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган полиэтилен маҳсулотлари, турли ўлчамдаги плёнкалар, шиша идишлар, кабелни ҳимояловчи қопламалар, айниқса, қувурларга талаб ниҳоятда катта. Шу боис ўтган йили мажмуа жамоаси томонидан “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида полиэтилен ва полипропилендан қувурлар ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди.

Шунингдек, “Шўртангазкимё”нинг полиэтилен маҳсулотлари Италия, Голландия, Польша, Эрон, Хитой, Россия каби давлатларга ҳам сотилаётгани диққатга сазовордир.

Умуман, ярмаркада компания тизимидаги корхоналар иштирокчиларга ўзларининг кўплаб янги маҳсулотларини таклиф этмоқда. Турли ҳажмдаги полиэтилен қувурлари, томчилатиб суғориш ускуналари, мотор мойлари ва эластик рубероидлар шулар жумласидандир.

“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясида ҳам бу каби янгиликлар бисёр. Жумладан, компания тизимидаги корхоналарнинг импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотларига, шунингдек, энергетика соҳасидаги қурилиш-монтаж, таъмирлаш, смарт-картали ҳамда электр энергиясини назорат қилувчи ва тижорат ҳисобини юритувчи автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизими сингари замонавий хизматларга қизиқиш юқори бўлмоқда.

— Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони юртимизга хорижий сармоядорларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариб юборди, — дейди “Navoi Hunan Pulp” масъулияти чекланган жамиятининг тижорат бўйича директори Дилшод Асроркулов. — Чунки ўтган вақт мобайнида ушбу ҳудудда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлдики, натижада ички бозоримиз янги маҳсулотлар билан тобора бойимоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● **Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси доирасида “Кўза — фазовий тафаккур шакли сифатида” лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, рассом ва дизайнерлар, амалий санъат ихлосмандлари иштирок этди.**

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш асосларига бағишланган телемулоқот ташкил этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, "Ist telekom" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда талаба ва ўқувчи-ёшлар мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият кўрсатаётган тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар, шифокорлар билан бевосита мулоқот қилди.

● **УЙЧИ туманининг Жийдакапа қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 20 та тураржой калити ўз эгаларига топширилди. “Баландариқ” деб номланган мазкур даҳада 1 миллиард 366 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.**

● ТАХИАТОШ шаҳар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими янги бинода иш бошлади. Мазкур муҳташам иншоотни бунёд этиш учун 406 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ

**мамлакатимизда соҳа ривожига қаратилаётган эътибор туфайли янада такомиллашиб бормоқда**

Пойтахтимизда республика шошилинч тиббий ёрдам тизими шифокорлари уюшмасининг II қурултойи бўлиб ўтмоқда. Унда юртимиз ва хориждаги таниқли олимлар, ёш тадқиқотчи ҳамда мутахассислар иштирок этаяпти.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими аҳолининг барча қатламларини қамраб олган, замонавий тиббий андозалар асосида тез ва самарали, бепул хизмат кўрсатадиган ноёб тузилмага айланганини таъкидлади. Хусусан, мамлакатимизда эл саломатлиги муҳофазасини таъминлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли жойлардаги шифо масканларида тиббий хизмат

**Анжуман**

(Давоми 3-бетда).

**Сўз — халқаро анжуманлар иштирокчиларига**

# ЎЗБЕКИСТОН — ИСТЕЪДОДЛАР ВАТАНИ

*“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ўтказилаётган “Art Week Style.UZ — 2011” санъат ҳафталиги истиқлол йилларида мамлакатимизда мусиқа, тасвирий санъат, кино ва театр, мода ва дизайн каби йўналишларда нақадар улкан ютуқлар қўлга киритилаётганини яққол намоён этмоқда. Нуфузли анжуманда иқтидорли ёшларимиз жаҳоннинг номдор маданият ва санъат арбоблари, модельерлари, дизайнерлари билан бирга ўз ижодий ишларини намойиш этмоқда.*

*Санъат ҳафталигининг айрим хорижий иштирокчилари бу ҳақда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*

**Ирен ВИСЕДО, актриса (Испания):**

— Ўзбекистонда ўтказилаётган санъат ҳафталигида иштирок этиб, кўп янгиликларга гувоҳ бўлдим. Санъат инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши лозимлигини янада теранроқ англадим. “Art Week Style.UZ — 2011” ҳафталиги тадбирлари ранг-баранглиги ҳамда иштирокчилар доирасининг кенглиги билан катта қизиқиш уйғотмоқда. Юртингизда яратилган кино, театр, тасвирий санъат, мусиқа асарлари, аввало, ёшларни олижаноб фазилатлар асосида тарбиялаши, уларнинг дидини, тафаккурини тўғри шакллантиришдек эзгу ғояга асосланганини ибратлидир. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар ғоят оқилона ва халқчил экани ҳамда пухта ўйланганининг самарасидир.

**Петр Павел СУББОТКО, режиссёр (Польша):**

— Ҳафталик тадбирларида иштирок этиб, шуни яна бир бор англадимки, Ўзбекистон том маънода минтақадаги маданият, маънавият, санъат марказидир.

(Давоми 2-бетда).

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бундай кўламдаги иқтисодий тангликнинг олдини олиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кенг имкониятлар яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини қарор топтиришда айни муддао бўлмоқда.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Буни рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин: сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизигача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

Дарҳақиқат, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган қонунчилик асослари изчил такомиллаштирилиб борилаётир. Биргина “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тадбирлари амалга оширилиши ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш тартиботларини анча соддалаштириш, бир қатор рухсат бериш тартиботларини қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харидларидаги иштирокини кенгайтириш, банк кредитлари бериш механизмларини соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишларни тубдан қисқартиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг 20 дан зиёд ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг 9 ойидаги 48,5 фоиз ўрнига 50,5 фоизга етди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 26,5 фоизга ўсди.

Президентимиз томонидан эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиётида янги босқични бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди. Зотан, мазкур дастуриламал ҳужжатда бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш ҳамда

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойлари мобайнида республикада 815,5 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда — 512,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани таъкидлаб ўтилди. Аҳоли бандлигининг энг юқори ўсиш суръатлари қурилиш, уй-жой-коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа соҳаларида қайд этилди.

Муҳокама давомида 2012 йил Дастури параметрлари меҳнат бозорида иш ўринларига бўлган эҳтиёж ва ишчи кучи таклифини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида, демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш чора-тадбирларини давом эттириш, ҳар бир тармоқ ва ҳудудни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда белгиланганлиги алоҳида қайд этилди. Дастурда ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурнинг асосий йўналишлари, устувор вазифалари ва механизмларини жамоатчилик, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг муҳокама қилиш ташкил этилди.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2012 йилда қўшимча равишда 967,5 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш, шунингдек, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига ташкил этиш назарда тутилган.

Корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришилишини, шунингдек, илгари ташкил қилинган иш ўринларининг сақланишини ҳамда барқарор фаолият кўрсатишини сўзсиз таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Муҳокама натижалари бўйича 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалда ҳал этишни давом эттиришга ҳамда шу асосда аҳоли даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган барча тадбирларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА).**



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан солиқ маслаҳати фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

# ПРОФЕССИОНАЛ СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига катта эътибор берилаётгани, бу йўлда яратилган қатор солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Табиийки, солиқ қонунчилиги ижросини изчил таъминлашда солиқ маслаҳати хизматининг профессионал ҳамда замонавий талабларга мос равишда ташкил этилиши, айниқса, муҳимдир. Тадбирда ана шу масъулиятли вазифани янада самарали амалга оширишда "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг аҳамияти катта эканлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, амалдаги қонунчиликда солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда бу жараён иштирокчиларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш белгилаб қўйилган. Бугун республикамизда 27 та солиқ маслаҳатчилари ташкилоти рўйхатдан ўтиб, фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига қатор қулайликлар яратиб берилган. Чунончи, улар фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинган. Бу мазкур ташкилотларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва соҳани ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Айтиш жоизки, амалдаги Қонунда солиқ маслаҳати ташкилоти томонидан хизматлар ҳақ эвазига кўрсатилиши лозимлиги белгилаб қўйилган, — деди қўмита аъзоси Ш. Тешаев. — Бу, албатта, кўрсатилаётган хизматнинг сифатли ва профессионал бўлишини талаб қилади. Бироқ бугунги кунда солиқ маслаҳатини турли даражадаги ташкилотлар амалга оширмоқда. Шу боис солиқ маслаҳатчилари ташкилоти фаолиятини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларида солиққа оид хизматлар учун жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

— Бу каби юридик шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйиш долзарб аҳамиятга эга, — деди қўмита аъзоси М. Сайфитдинова. — Сабаби, мазкур чоралар пировардида солиқ маслаҳати борасидаги хизматлар ким томонидан ва қандай амалга оширилганлиги бўйича мониторинг юритиш имкониятини яратади. Қисқача айтганда, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш солиқ маслаҳати бўйича кафолатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Давра суҳбатида кўрилган масала бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# САНОАТИМИЗ ЮКСАЛИШИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз ҳам шундай имкониятдан фойдаланган ҳолда, хитойлик ҳамкорлар билан болалар тагликлари ва бошқа гигиена маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ярмаркага ушбу маҳсулотларимиздан намуналар олиб келганмиз.

Корхонамиз жорий йилнинг ноябрь ойидан тўлиқ қувват билан иш бошлайди. Йил охиригача 1,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шундан 17 минг АҚШ долларлик қисмини хорижга сотишни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, ушбу мақсадимиз амалга ошади. Негаки, ярмарка давомида кўплаб ҳамкорлар билан танишиб, келишувларга эришаяпмиз.

Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси учун ҳам самарали бўлмоқда. Тизим корхоналари томонидан ўтган йилги тадбирда 95,5 миллиард сўмлик шартномалар тузилгани, жорий йилда эса мазкур кўрсаткични янада кўпайтириш мўлжалланаётгани бунга мисол бўла олади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Самарқанд гиламлари:

# НАФИС ВА БЕТАКРОР ЖИЛО



**СУРАТДА:** тайёр маҳсулотлар сифат кўригидан ўтказилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, корхонага Германия, Италия ва Франциянинг илғор тўқимачилик ускуналари ўрнатилгани ҳам ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида муҳим аҳамият касб этаяпти. Ушбу дастгоҳларнинг афзаллиги шундаки, улар тўлиқ компьютерлаштирилган. Бу эса маҳсулотнинг дастлабки босқичидан тортиб, унинг тайёр ҳолга келгунига қадар сифатли бўлишини таъминлаш баробарида, харажатлар қисқаришига ва иш унумдорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Корхонада жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 25 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 9 миллиард 800 минг сўмлиги экспорт қилинди.

Эътиборлиси, "Сам-антип-гилам" жамоаси келгуси йилдан бошлаб маҳсулот учун зарур бўлган асосий хом ашё — ип ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирмоқда. Мазкур истиқболли лойиҳа 30 нафарга яқин кишини иш билан таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган суратлар.**

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш кўзда тутилган. Бу ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш, чунончи, ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар яратиш кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда мазкур қонун ҳужжатларини тайёрлаш, уларда кўзда тутилган янгиликларни ҳаётга жорий қилиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти кўламларини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол қатнашишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Унга биноан, кичик саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратишга доир мурожаатларнинг ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиши ва келишиш муддати бир ойдан ошмаслиги шартлиги белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат мулки бўлган, вақтинча бўшаб ётган ва ишлатилмайдиган хоналарни уларда ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун ижарага бериш бўйича мурожаатлари 7 кун мобайнида кўриб чиқилишини таъминлаш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Қолаверса, қарорга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шу жумладан, ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат этувчи ҳужжатларни бериш "бир дарча" тамойили бўйича амалга оширилиши, бунда ваколатли давлат органларига уларни зарур ҳолларда келишишни таъминлаш вазифаси юклатилади. Энг муҳими, рухсат этувчи ҳужжатларни тақдим қилиш муддати тадбиркорлик субъектлари ариза берган вақтдан бошлаб, 30 иш кунидан ошмаслиги белгиланди.

Шунингдек, тажриба тариқасида, экспортга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тартиботларнинг божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятининг бир вақтда амалга оширилишини таъминлайдиган "бир дарча" тамойилини босқичма-босқич жорий этишга киришилди. Қарорга мувофиқ, 50 та фаолият тури бўйича рухсатнома олиш тартиби бекор қилинди.

Шу ўринда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, хусусан, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун амалга татбиқ қилинаётган "бир дарча" тамойилини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, бу тамойилнинг ҳаётга самарали жорий этилиши ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф қилишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда илк бор 2003 йилнинг сентябридан ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус инспекцияларда рухсатнома ва келишувлар олишни соддалаштириш учун "бир дарча" тизими жорий этилди. Мазкур тизим тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон юришига барҳам бериб, ҳужжатлар тўпламини битта жойда топширишга имкон яратди.

Шу кунларда жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинаётган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида "бир дарча" тамойилини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, унда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқи, қонуний манфаатларини, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф табиий муҳитни ҳимоялаш, шунингдек, рақобатни чеклашга қаратилган ножўя қоида ва нормалар ўрнатилишининг олдини олиш, рухсатнома тартиб-қоидаларининг шаффофлиги, очиқ-ошкоралиги ва ҳамма учун тушунарли бўлиши, кимга бўйсунишидан қатъи назар, барча ваколатли органлар томонидан тадбиркорликни юритиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни олишда "бир дарча" тамойилига амал қилиниши, рухсатномаларда ҳамма учун бир хил талаблар қўйилишининг аҳамияти катта. Қолаверса, қонун лойиҳасида рухсатномаларга доир қонунчиликда ечими мушкул бўлган мавжуд барча тафовутлар ва ноаниқликларни тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб ҳал этиш бугунги демократик бозор ислоҳотлари шароитида ниҳоятда муҳимдир.

Хулоса ўрнида айтганда, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юртимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айлантиришда янги босқични бошлаб берди.

**Умид ЖУМАНИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик**
**палатаси депутати.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ИСТЕЪДОДЛАР ВАТАНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртингизга келган ҳар бир меҳмоннинг бу муқаддас заминга, чеҳраси очиқ, бахтиёр, самимий ва меҳнатсевар одамларга меҳри ошади. Ўзбекистонга яна келиш орзуси билан яшайди. Тошкентнинг гўзал ва файзли, обод, тароватли, озода шаҳар экани мени мафтун этди. "Art Week Style.UZ" санъат ҳафталигидан олган таассуротларим, бу ажойиб юртдаги осойишталик, тўкинлик ҳақида ҳамюртларимга, албатта, сўзлаб бераман.

**Анар ГУСЕЙНЗОДА, рассом (Озарбайжон):**

— Мен санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилган VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси тадбирларида катта қизиқиш билан иштирок этдим. Кўргазмалар давомида халқингизнинг, айниқса, қалби беғубор орзуларга тўла ўзбекистонлик ёшларнинг санъатга қизиқиши, меҳри, интилишини кўриб ҳавасим келди. Мамлакатингизда ўтказаётган ҳар бир куним менга янгидан-янги куч, илҳом бағишламоқда. Барча кўргазмалар ичида Ўзбекистон Миллий павильонини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ерда таниқли мусаввирлар билан бирга, ёш ижодкорлар асарларининг ҳам кўплиги диққатимни тортди. Бу Ўзбекистон том маънода истеъдодлар юрти эканидан далолат беради.

**Виктор де СОУЗА, дизайнер (АҚШ):**

— Ҳафталик мобайнида ўзбекистонлик ёш дизайнерларнинг "Underground" ҳамда Миллий либослар кўргазмасига тақдим этган коллекцияларини катта қизиқиш билан томоша қилдим. Ўзбек мутахассислари яратган либосларнинг кўркамлиги, рангларни танлаш, моделлаштиришдаги ижодий ёндашув барчада чуқур таассурот қолдирди. Мени каштачилик санъати, миллий матоларингизнинг ранг-баранглиги ҳайратга солди. Улар янгидан-янги коллекциялар учун илҳом беради. Жаҳондаги етакчи мода марказларида ўтказилаётган либослар намойишларида ўзбек дизайн санъатининг ўзига хос анъаналари, юртингиз модельерларининг ижодига мансуб жиҳатлар, элементлар тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Ўзбекистонда дизайн соҳаси жадал ривожланаётгани "Art Week Style.UZ" ҳафталигининг ўз мавқеи, мода равнақига ижобий таъсиридан далолатдир.

**Филипо ВОТКЕНС, дизайнер (Буюк Британия):**

— Ўзбекистонда тўқимачилик саноати фаол ривожланаётгани, миллий ҳунармандлик равнақига давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани дизайн ва мода соҳасида янгидан-янги истеъдодлар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Атлас, адрас каби ўзбек миллий матоларидан тикилган, миллий каштачиликнинг бетакрор анъаналарини ўзида ифода этган либослар нафақат ўзбек хотин-қизларига, айни пайтда европалик аёлларга ҳам жуда ярашади. Халқингизнинг ўз қадриятлари, анъаналарига содиқлиги катта ҳурматга лойиқ.

"Art Week Style.UZ — 2011" тадбирлари ташкилий, бадиий жиҳатдан ғоят юксак даражада ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалар жадал ривожланаётганидан далолатдир.

**Хироши АНО, фотодизайнер (Япония):**

— "Art Week Style.UZ — 2011" бугун халқаро миқёсда ҳам катта эътибор ва эътироф этилаётган нуфузли лойиҳалардандир. Мазкур санъат ҳафталигида илгари ҳам қатнашганман, Бу йилги анжуман қамровининг кенглиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турибди.

Санъат ҳафталигига турли йўналишдаги ижодий бирлашмалар, фуқаролик жамияти институтлари кенг жалб этилган. Санъатнинг турли йўналишларини қамраган мазкур ҳафталик Ўзбекистон халқининг ўз олдига қўйган буюк мақсадлари сари дадил одимлаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

**ЎзА мухбири**
**Назокат УСМОНОВА**
**ёзиб олди.**

**Бунёдкорлик**

# Шаҳарга кўрк берган хиёбон

***Қарши шаҳридаги эски марказий майдон ўрнида "Наврўз" хиёбони барпо этилди. 2,4 гектардан иборат ушбу боғ ҳудудига япон софораси, мажнунтут, брисклет каби манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.***

Замонавий лойиҳалар асосида қурилган фавворалар эса ҳордиқ чиқарувчиларга кўтаринки кайфият бағишлайди. Чунки улар тунда ҳам турли рангларда тусланади.

Ёшларнинг севимли масканига айланиб улгурган мазкур хиёбон "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонасининг икки миллиард сўмликдан зиёд ҳомийлик ёрдами эвазига бунёд этилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ҳаётда одамлар ён-атрофдаги воқеаларга муносабатига қараб икки хилга бўлинади: оптимист ва пессимист. Ярми тўлдирилган идишни оптимист бир кун келиб тўлади деса, пессимист бўм-бўш бўлиб қолади, деб таърифлайди.***

# ҲАВАС УЙҒОТУВЧИ ШИДДАТ

**Мушоҳада**

Яқинда иккинчи тоифага яқин бир кишининг сўзи бизни ҳайратга солди. Интернет саҳифаларини титкилаш асносида жаҳон банкининг Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақидаги таҳлилларини ўқиб, наҳотки, шу гаплар рост бўлса, деб қолди. Халқаро молия ташкилоти маърузасида айтилишича, жаҳон ЯИМнинг ўсиши бу йил 3,3 фоизгача (2010 йилда 3,9 фоиз) пасайиб, фақат 2012 йилда 3,6 фоиз даражага етар экан. Келгуси йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузатилиб, бу кўрсаткич 8 фоиздан кам бўлмайди.

Бизнинг маълумот. *Жаҳон банки 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида жуда кўп мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учун катта ёрдам берган. Ушбу молия идорасининг қароргоҳи Вашингтонда жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадлар асосида йўлга қўймоқда. Банкда ишлайдиган ходимларнинг 30 фоизи (10 минг нафар) дунё бўйича 100 га яқин ваколатхоналарда фаолият юритади. Банк ўзи аъзо бўлган давлатларга молиявий кўмак беришдан ташқари таҳлилий ва консультатив хизматларни ҳам кўрсатади. Ҳозирги пайтда банк ривожланаётган мамлакатларнинг барча иқтисодий секторларида 1800 дан зиёд лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этмоқда. Роберт Б. Зеллик президентлик қилаётган ушбу банкда 184 та мамлакат акционер ҳисобланади.*

Дунё миқёсидаги шундай нуфузли ташкилотнинг Ўзбекистонга берган юксак баҳоси юртимизнинг ҳар бир фуқаросида нафақат ғурур, айни пайтда масъулият туйғусини уйғотиши керак. Йил якунларида чиқариладиган кўрсаткичлар ҳозирги меҳнатимизга, интилишимизга боғлиқ. Шу маънода, 2011 йилнинг январь — сентябрь ойларида эришилган натижалар диққатга сазовордир. Ўтган даврда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,2 фоизни, шу жумладан, саноатда 7, қишлоқ хўжалигида 6,8 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми 25,4 фоизга ўсди. Инвестиция ҳажми 2,3 миллиард доллардан ортди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоиз, чакана товар айланмаси 16,2, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 14,2 фоиз ўсди. Фақат 2011 йилнинг ўзида мамлакатимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар бўйича 5966 та якка тартибда уй-жой қуриб битказилди. Ҳар бир хонадонда ўртача 9-10 киши истиқомат қилишини кўз олдимизга келтирсак, қанча қалблар қувончга тўлганини тасаввур этиш мумкин.

Шундай ютуқ ва муваффақиятларга бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашган шароитда эришяпмиз. Ўзбекистон шундай бир пайтда тинчлик-осойишталик, аҳиллик нимага қодир эканлигини амалда кўрсатмоқда. Қани айтинг, дунё эътироф этган бир замонда шу ютуқларни тан олмай, улардан қувонмай бўладими?

Ахир Ўзбекистон ўз Юртбошиси кўрсатган йўлдан олға қадам ташлаб, мисли кўрилмаган марраларни забт этмоқда. Нафақат минтақада, дунё миқёси мезонларида ҳам эришаётган натижаларимиз, ялпи ички маҳсулот борасидаги ўсишларимиз рўй-рост эътироф этилмоқда.

Бугунги мустақил юртимиз йигирма йил олдинги Ўзбекистон эмас. Одамларимизнинг онгу тафаккури, ўлчовлари, қамровлари энди мутлақо ўзгача. Мустабид замонда статистика ҳеч кимни қизиқтирмасди. Бу катталарнинг иши, бизга алоқаси йўқ, дейишарди. Энди эса мактаб ўқувчиси ҳам Ўзбекистон эришган муҳим иқтисодий кўрсаткичларни ёддан айтиб бера олади. Нега қизиқмасин, мамлакатимизга тааллуқли ҳар бир рақам сизнинг, бизнинг — ҳамманинг меҳнатини, интилишини, ҳаётини ифодалайди. Ўша кўрсаткичлар тақдиримиз кўзгуси эмасми?!

Хориждан келган меҳмонлардан бири "Ўзбекистоннинг бунчалик илгарилаб кетаётганига сабаб нима?" деб сўраб қолди. Аввалига саволга бирдан жавоб бермоқчи бўлдик. Шу лаҳзада бир ғоя туғилди. "Ўзингиз қандай ўйлайсиз, вариантлар борми?" деб қарши савол қўйдик. "Мен юртингизда яна бир ҳафта тураман, ўрганиб, кейин жавоб қилсам майлими?" — деди. Жуда маъқул. Биз ўз муваффақиятларимизнинг омилларини ўзимиз яхши биламиз, қани, четдан ташланган назар орқали нималар намоён бўлар экан?

Келишилган вақтда учрашдик. Ўзимизга маълум воқелик ҳақида хорижлик меҳмоннинг фикри қизиқишимизни ошираркди.

— Биз парадоксга дуч келдик, — деб сўз бошлади меҳмон.

— Қанақа парадокс экан? — ажабландик биз.

— Ўзбекистон худди бошқа замонда яшаётгандай. Ҳамма ёқда инқироз ваҳимаси, сизларда бари жой-жойида. МДҲнинг кўпгина мамлакатларида ҳам бўлиб, халқ ҳаёти билан танишганмиз. Парадокс шундаки, ўзини демократия пешқадами деб ҳисоблаган айрим мамлакатларда бутун-бутун қишлоқлар тугаб боряпти, сизларда шаҳардан қолишмайдиган янги маҳаллалар пайдо бўлмоқда. Сизларга қўшни бўлган айрим республикаларда мактаблар назардан четда қолган бўлса, Ўзбекистондаги мактабларни завқ билан томоша қилиш мумкин. Бутун мамлакатда қад ростлаган коллеж ва лицей бинолари дунёнинг ҳеч қаерида йўқ. Ўзбекистон кўчалари тўлиб кетган машиналарни айтиб ўтирмай.

— Дуруст, сиз ҳикоя қилаётган манзара бизга тушунарли. Унинг асл сабаби сизни қизиқтираётганди...

— Ҳа, юртингиз гуллаб-яшнаётганлигининг сабабини билдик. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини тўғри танлаб, дадил қадам қўяётган бу мамлакатда ҳамма нарса инсон учун хизмат қилаётган экан. Шундай давом этсаларинг, албатта, буюк мамлакат қурасизлар.

Четдан назар ташлаган одам бизнинг ҳаётимизга шунчалик ҳавас қилаяпти. Биз, шу мамлакатнинг ҳақиқий фарзандлари бундан нечун ғурурланмайлик?!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 853,6 ▲ +4,3 | УН биринчи нав 644,4 ▼ -3,3 | УН иккинчи нав 590,5 ▲ +7,2 | ПАХТА ЁҒИ 1983,1 ▲ +69,1 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,3 |



*Истиқлол туфайли мамлакатимизда кўплаб бетакрор бинолар, иншоотлар, санъат саройлари қад ростлади. Шу билан бирга, буюк бобокалонларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида беқиёс ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари ва раҳнамолигида 1996 йили соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди шарафига очилган Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам маънавий юксалиш борасидаги эзгу ишлардан биридир. Мазкур музей ўтмиш ва ҳозирги давр меъморчилиги анъаналарини ўзида уйғунлаштиргани билан, айниқса, диққатга сазовордир.*

# ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Амир Темур ва темурийлар даврига оид ашёларни тўплаш, авайлаб-асраш, таъмирлаш, экспозиция ва кўргазмалар орқали тарихий давр ҳақида халқимиз ҳамда хорижий меҳмонларга ҳикоя қилиб бериш музей фаолиятининг асосини ташкил этади. Айни чоғда ушбу даргоҳ илм ўчоғи ҳисобланади. Бу ерда Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон фани ҳамда маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида илмий тадқиқотлар олиб борилаяпти.

Музей фонди ранг-баранг экспонатлар, ноёб осориатиқаларга бой. Амир Темур ва темурийлар давлатининг қудратидан далолат берувчи ушбу экспозициялар ўша даврдаги бунёдкорлик ишлари ва улкан маънавий меросни ҳаққоний ўрганиш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, улуғ аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Мазкур маънавий даргоҳ фондидан 4 мингга яқин экспонат ўрин олган. Улар орасида Амир Темур ва темурийлар даврига оид кўплаб ноёб қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, қурол-яроғ, чолғу асбоблари, этнографик буюмлар бор. Мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида топилган ашёлар, шунингдек, кўплаб юртдошларимиз томонидан тақдим этилган тарихий, маданий аҳамиятга эга буюмлар эвазига музей фонди йилдан-йил бойиб бораётир. Шунингдек, чет элларда сақланаётган маданий ёдгорликларни юртимизга қайтариш, нусхаларини яратиш борасидаги ишлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Музей хазинасида Франциядаги Лувр музейи томонидан юборилган Амир Темур сиймосининг тасвирий нусхалари, Эрон элчихонаси туҳфа этган Амир Темур

**Ифтихор**

ва темурийларнинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан ёзишмалари, Ҳиндистон элчихонасидан олинган ўша даврга оид бир нечта нодир қўлёзма саҳифаларидан нусхалар, Покистон, Хитой, Малайзия, Қозоғистон, Россия, Грузия ҳамда бошқа давлатлар томонидан совға қилинган буюм, ҳужжат нусхалари ва ашёлар мавжуд. Айни пайтда тарихимизга оид кўплаб экспонатларни ҳадя этган юртдошларимиз хизматини ҳам мамнуният билан таъкидлаймиз.

Кенг қамровли илмий-амалий, маданий-маърифий йўналишда тадқиқотлар олиб бориш, буюк Соҳибқирон ва темурийларнинг жаҳон илм-фани ҳамда маданиятига қўшган улкан ҳиссасини намойиш этадиган турли кўргазма ва анжуманлар ўтказиш музей фаолиятининг асосий йўналишларидандир. Ўтган даврда музейда бир неча ўнлаб кўргазмалар ташкил қилинди. Айниқса, "Ноёб қўлёзмалар хазинасидан", "Амир Темур — Клавихо — Самарқанд", "Хориждаги меросимиз", "Шоҳруҳия топилмалари" каби кўргазмалар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Франция, АҚШ, Германия, Австралия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда музейимиз ўзининг нодир экспонатлари билан иштирок этди.

Ушбу музей мамлакатимизнинг Ноёб илмий объектлар рўйхатига киритилган. Музей жамоасининг турли мамлакатларда Амир Темур меросига бағишлаб олиб борилаётган илмий ишларни чуқур ўрганиш, темуршуносликнинг энг муҳим қирраларини тадқиқ этиш борасидаги изланишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, "Темурийлар даври ренессанси" мавзуидаги тадқиқот натижалари асосида "Темурийлар даври маданий ёдгорликлари", "Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар" тўпламлари нашр этилди. "Темурийлар даври маданий ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши", "Ўрта Осиёда китобат санъати тарихидан (темурийлар даврида яратилган асарларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари)" каби мавзуларда муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Музей мустақил юртимизнинг энг қутлуғ қадамжоларидан бирига айланиб улгурди. Бу даргоҳга турли давлатлардан ташриф буюрган расмий меҳмонлар юқори даражада кутиб олинади. Улар ўзларининг дил сўзларини музей "Дастхатлар китоби"га ёзиб қолдирмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи очилганига 15 йил бўлди. Ғурур ва мамнуният билан айтамизки, ҳозирги кунда бу даргоҳ жаҳонда нуфузли музейлар қаторидан ўрин олди. У — юртимизнинг ёруғ маърифий масканларидан биридир.

**Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Темурийлар тарихи давлат музейи директори.**

**ЖАҲОН 24 соат ичида**

## Тадқиқот натижаси

***Одамларнинг саратонга энг кўп чалиниш ҳолати Данияда кузатиларкан.***

Бу ҳақда Жаҳон саратонни тадқиқ қилиш жамғармаси маълумот тарқатди. Хусусан, ҳозир бу ерда аёллар ўртасида ушбу касаллик билан оғриш ҳолати ҳар 100 минг нафарга 325,3 тага, эркакларда эса 334,7 тага етган. Ушбу рўйхатнинг иккинчи поғонасидан жой олган Ирландияда эса бу кўрсаткич ўртача 317 кишини ташкил этмоқда. Шунингдек, Австралия, Янги Зеландия, Бельгия, Франция, АҚШ, Норвегия, Канада, Чехия каби мамлакатлар ҳам мазкур рўйхатдан жой олган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, саратон, асосан, ёши катталар ўртасида кўп учрайди. Юқорида келтирилган давлатларда эса ҳозир кекса одамларнинг сони ёшларга нисбатан юқорироқ.

## Пианиночи робот

***Италиялик ихтирочи Маттео Суззи антиқа робот яратди.***



"Teotronico" деб номланган ушбу "темир одам"нинг ўн тўққизта бармоғи бўлиб, у пианинони инсондан яхшироқ ва тезроқ чала олади. Шунингдек, робот ўзининг мусиқий салоҳиятини мустақил баҳолаш қобилиятига ҳам эга. Унга ўрнатилган камералар ноталарни кўриш, бир-биридан ажратиш имконини беради.

Маттео Суззи роботни яратиш учун тўрт йил вақт ҳамда уч минг фунт стерлинг маблағ сарфлаган.

## Антиқа акула

***Калифорния кўрфазидан унча узоқда бўлмаган Жак Ив Кусто оролида мексикалик балиқчилар антиқа акулани ушлаб олишди.***

Узунлиги 56 сантиметр бўлган ушбу денгиз йиртқичининг кўзи битта бўлиб, бошининг ўртасида жойлашган. Ҳайратланарли жиҳати, у билан бирга тутилган унинг "ака" ва "сингил"ларида бундай ғайритабиий ҳолат кузатилмаган. Балиқчилар ушбу ноёб жониворни Ла-Пас денгиз фанлари илмий маркази мутахассисларига топширганлар.

## Автомобилларнинг бозори чаққон

***"Bloomberg" ахборот агентлигининг хабар беришича, жорий йилда дунёда энг кўп автомобиль сотиш борасида Германиянинг "Volkswagen AG" компанияси биринчи ўринни қўлга киритар экан.***



Экспертларнинг фикрича, ушбу корхона йил якунига қадар 8,1 миллион дона турли русумдаги машина сотиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 13 фоизга кўпдир. Ушбу рўйхатда иккинчи поғонани жаҳон автомобилсозлигининг етакчи компанияларидан бири — АҚШнинг "General Motors" корпорацияси банд этган. У йил давомида 7,55 миллион дона автомобиль сотишга муваффақ бўлади. Япониянинг "Toyota" корхонаси эса жорий йилда 7,27 миллион дона машинани харидорларга етказиб бергани ҳолда, кучли учликка кириши башорат қилинмоқда. Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, ўтган йили ушбу корхона барча рақобатчиларини ортда қолдирганди. Унинг фаолиятидаги пасайишга кунчиқар юртда юз берган табиий офат сабаб бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**Сирдарё томонларда**

*Гулистон туманидаги "Авазбек омади" хусусий корхонаси шу пайтга қадар фақат савдо фаолияти билан шуғулланар эди.*

## Ташаббус ўзини оқлади

Эндиликда ушбу корхона раҳбари Сайфиддин Каримов ташаббуси билан бу ерда шлакоблок ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга оширишда банкнинг 45 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир корхонада ойига 20 минг донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрланиб, ҳудуддаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда.

## Тадбиркорнинг пухта режаси

*Боёвут туманилик Абдуғаффор Қаюмов омадли тадбиркорлардан. У ўзи раҳбарлик қилаётган "Аҳадбек Абдувоситович" хусусий корхонаси фаолиятини кенгайтириб, кийим-кечак, кўрпа-тўшак жилдларидан ташқари, акфа ромлари ва эшиклар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.*

Бу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 18,5 миллион сўмлик кредити қўл келди. Қўшимча 9 та иш ўрни яратилган корхонада ҳозир ойига 40 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда жорий йил биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 52,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ

**мамлакатимизда соҳа ривожига қаратилаётган эътибор туфайли янада такомиллашиб бормоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

сифати тобора юксалиб бормоқда. Айниқса, республикамизда ихтисослаштирилган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу муассасаларнинг жаҳон андозалари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикларга аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш имконини бераяпти. Хусусан, Президентимизнинг 1998 йил ноябрь ойидаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, юртимизда шошилинч тиббий ёрдамнинг янгича, ўзига хос тизими шакллантирилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Айни пайтда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойлардаги 13 та ҳудудий филиали қошида тез тиббий ёрдам бўлимлари, санитар-авиация хизмати фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 май куни қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори эса хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш ва шошилинч тиббий ёрдам тизимининг моддий-техник салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Бугунги кунда биздаги шошилинч тиббий хизмат жаҳон тиббиётида намунали тизим сифатида баҳоланаётганлиги бежиз эмас. Чунки тез тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимнинг транспорт паркини бойитиш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли юмушлар кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бермоқда. Энг муҳими, юртимизда соҳа мутахассисларининг бу борадаги тажриба ва малакасини янада ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳозир республикамизда тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича фаолият юритаётган ходимлар Жанубий Корея, Япония, Россия, Украина, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Австрия, Швейцария каби мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқдалар.

— Ўзбекистонда шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ибрат олса арзигуликдир, — дейди Россия Федерациясининг тез тиббий ёрдам илмий текшириш институти директори ўринбосари Михаил Рогал. — Бугунги кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ходимларининг амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришларида давлатингиз томонидан алоҳида кўмак берилаётган экан. Бу, албатта, соҳа ривожи йўлидаги энг муҳим қадамдир. Қолаверса, марказ мутахассисларининг даволаш-ташхис амалиётида янгидан-янги усулларни муваффақиятли қўллаётганликлари таҳсинга сазовор.

Тадбирда мамлакатимиз ҳамда жаҳон тиббиётида эришилган шу каби ютуқ ва натижалар таҳлил қилиниб, тизимдаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Интилиш**

***Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.***

## Янгиланиш меваси

Буни пойтахтимиздаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Азиябисквит" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу корхонада 2009 йили 300 тоннадан зиёд печенье маҳсулотлари тайёрланган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич бир ярим бараварга оширилди. Биргина жорий йилнинг иккинчи чорагида эса жамият ишчилари 700 миллион сўмлик маҳсулот сотишга муваффақ бўлишди.

Яқинда миллий банкдан олинган кредит кўмагида корхонада амалга оширилган модернизация ишлари натижасида маҳсулотлар сифати янада яхшиланиб, саксондан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди.

**Ҳ. ХОЛДОРОВ.**

## ОБ-ҲАВО (28 октябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 5-10, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 4-9, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 4-9, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда ва кундузи 7-9 даража атрофида илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**





● Реклама ва эълонлар ●








"O`zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси "Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар" муҳарририяти бош муҳаррири Худойназар Дўстқобиловга турмуш ўртоғи

**Дилбар ТЎРАҚУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Немис тили грамматикаси ва тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Дилбархон Мирсодиқовага акаси

**Асқаржон МИРСОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 337,3 ▼ -7,2 | ШРОТ 298,2 ▼ -12,2 | ШЕЛУХА 123,9 ▼ -6,0 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4296,3 ▼ -738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4618,6 ▼ -263,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4912,3 ▼ -30,0 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1826,8 ▲ +273,4 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +0,5 |



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА



**Бугуннинг ёшлари ҳар жиҳатдан зукко, ташаббускор, илмга чанқоқ. Энг муҳими, уларнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаолари, ўй ва тафаккурлари она-Ватанга чексиз муҳаббат, садоқат ва фидойилик каби муштарак туйғуларга йўғрилган. Бинобарин, эртамиз эгаларининг илм-фанда, санъатда, спортда ва бошқа жабҳаларда эришаётган ютуқлари замирида ҳам юрт тақдири, Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси мужассам. “Энг гуллаган ёшлик чоғимда...” саҳифасининг бу галгисида**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

**ёшларининг бугунги жўшқин ҳаёти, ижоди ва эришаётган муваффақиятлари хусусида ҳикоя қиламиз.**

## ҲАМКОР ВА КЎМАКДОШ

**Ёшларимиз ҳар жиҳатдан интилувчан, ташаббускор, зукко. Улар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлишнинг масъулияти катта. Шу боис “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати жойларда ёшларнинг қизиқиши ва талабига мос, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашувчи, орзу ва интилишларига қанот бахш этувчи янгидан-янги лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда.**

**Имконият**

Хусусан, мамлакатимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан ташкилотимиз асосий эътиборни ёшларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бу борадаги ҳаракатларига кўмаклашиш, бизнес ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратмоқда. Ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда вилоятдаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тижорат банклари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганимиз ижобий самара бераётир. Бугун вилоятимизнинг 18 та туман ва шаҳарида фаолият юритаётган “Ёш тадбиркорлар мактаби” мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ вужудга келди. Уларда ҳозир 500 нафардан зиёд тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга иштиёқманд йигит-қизлар бепул сабоқ олмоқдалар. Шу билан бирга, вилоят кенгаши қошида ёш тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, улар фаолиятида юзага келаётган айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этишга кўмаклашувчи консалтинг хизмати ташкил этилган. Ҳозирнинг ўзида марказга 65 нафар ўғил-қиз ўз бизнесини бошқаришга оид турфа масалаларда мурожаат этгани ва бу мурожаатларнинг деярли барчаси мутасадди ташкилотлар ёрдамида ҳал қилингани марказ бошловчи ишбилармонларнинг яқин кўмакчисига айланиб бораётганининг яққол далолатидир.

Шу ўринда ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашда жойлардаги тижорат банклари ҳам алоҳида фаоллик кўрсатаётганини таъкидлаш керак. Тижорат банклари томонидан амалга ошириб келинаётган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиётининг кафолати” каби лойиҳалар кўплаб ишбилармон ёшларни ўзига жалб этмоқда. Ана шу лойиҳалар доирасида имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлиб, ўз бизнесини дадил йўлга қўя олган умидли ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, лойиҳа доирасида кредит олганларнинг фоиз ставкалари Ҳаракат томонидан қопланмоқда.

Айни пайтда яна 32 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес ғоялари махсус гуруҳлар томонидан ўрганиб чиқилиб, ижобий баҳоланди ва имтиёзли кредит ажратиш учун тижорат банкларига тавсия этилди. Демак, бундай ҳаракатлар кўлами изчил кенгайиб бораверади.

**Дилором АБДУҒАФФОРОВА,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши бўлими мудири.**



**Чархпалакни биринчи бўлиб ким, қачон ва қаерда ихтиро қилгани аниқ эмас, бироқ янгийўллик ёшлардан бири Олимжон Одилбоевнинг бу борадаги изланишларини ҳеч иккиланмай янгилик сифатида баҳолаш мумкин.**

## ОЛИМЖОННИНГ ЧАРХПАЛАГИ

### асл деҳқонларни ҳам қизиқтириб қўйди

Биласиз, ҳамма замонларда ҳам суғориш тармоқларидан муайян баландликда бўлган экин майдонларига сув чиқариш деҳқонга жиддий қийинчилик туғдириб келган. Бундай ҳолларда кўпроқ чархпалаклар асқотган. Бироқ шу чоққача фойдаланиб келинган анъанавий чархпалакнинг имконияти маълум даражада чекланган. Яъни улар ишлаш тамойилига кўра, сувни ўз конструкциясидан юқорироққа кўтариб беролмайди.

**Изланиш**

Хўш, Олимжон ясаган чархпалакнинг ўзига хослиги нимада? Бу қурилма спираль шаклида уч-тўрт қатор (ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин) қилиб ўралган полиэтилен қувурлардан ташкил топади. Уни сув устида ҳаракатга келтиришда эса ўзимизнинг чархпалак кучидан фойдаланилади. Яъни қурилмани ушлаб турадиган ўқнинг бир томонига оддий чархпалак жойлаштирилса, унинг ёнига Олимжоннинг ихтироси ўрнатилади. Анъанавий чархпалакнинг парраклари оқар сувга тегиб, айлана бошлагач, ўз-ўзидан у билан бир ўқда жойлашган доира шаклидаги қурилма ҳам ҳаракатга келади. Шунда унинг қувурига сув киради ва юқорига кўтарилганда, спираль бўйлаб ўқ марказига (ўқ ҳам қувурдан ясалган) оқа бошлайди. Қувур айланаётгани учун унинг учи яна пастга боради ва кейинги сувни олади. Натижада қувур ичида аввалги олинган сув билан янгисининг орасида бўшлиқ пайдо бўлади. Мана шу ҳолат мунтазам такрорлангани учун навбатма-навбат юзага келадиган ҳаво босими сувни куч билан сура бошлайди. Шундай қилиб, обиҳаёт ўққа уланган узатма қувур орқали керакли баландликка чиқарилади.



Чархпалакдаги қувур ўрамлари қанча кўп бўлса ва доиранинг диаметри қанча катта бўлса, сувни ҳам шунча юқорироққа чиқариш имконияти юзага келади. Баландликни белгилаш учун қилинадиган ҳисоб-китоб ҳам оддий: масалан, қувур ўрамлари 4 қатор, чархпалак диаметри 3 метр бўлса, демак, сув 12 метргача кўтарилади. Яъни икки ўлчамнинг кўпайтмаси сув чиқадиган баландликка тенг бўлади.

Ҳозир бу ихтиро тумандаги “Мирзатилла” ҳамда “Мирзакарим ота” фермер хўжаликларида синовдан муваффақиятли ўтди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тантаналари нишонланган жорий йил ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлаяпти. Улар ичида, шубҳасиз, энг қувончлиси — юртимиз спортчилари орасида биринчи бўлиб 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганимдир.*

**Шижоат**

## ДУНЁНИ МАҲЛИЁ АЙЛАЙДИ ЮРТИМ

Болалигимдан велоспортчи бўлишни орзу қилардим. Мустақиллик йилларида спортнинг барча турларини оммалаштиришга эътибор қаратилиши орзуларимга қанот берди. Айнан шу ғамхўрлик туфайли бугун велоспорт бўйича қатор маҳорат эгалари етишиб чиқмоқда.

Шунга уйғун тарзда эндиликда юртимиз велоспорт бўйича кўплаб халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Улардан бири яқиндагина вилоятимизнинг “Юқори Чирчиқ — Чирчиқ — Бўстонлиқ” трассаси бўйлаб ўтказилди. МДҲ мамлакатларидан 200 га яқин спортчи қатнашган мазкур мусобақада юртимиз велоспортчиларининг иштироки юқори баҳоланди. Ушбу мусобақада муносиб иштирок этганим учун менга Таиланд давлатида бўладиган Осиё чемпионатига йўлланма беришди. Унда устозларим ишончини оқлаб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдим.

Айтганча, мен атайин қизиқиб кўрдим: айни пайтда вилоятимизда 150 мингдан ортиқ ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланаётган экан. Улар учун шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий мажмуалар бунёд этиш, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратиш каби хайрли мақсадларга жорий йилнинг ўзида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 15 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилибди. Бундай кенг кўламли ҳаракатлар мустақил юрт фарзандларининг эртанги камолоти учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаб, мазкур спорт тури сирларини ўқувчиларга ўргатаяпман. Ўзим ҳам ҳали ёш бўлганим, эндигина тажриба тўплаб, маҳоратимни ошираётганим боис ўқувчилар билан тил топишишим осон кечмоқда. Улар орасидан юртимиз довруғини янада оширадиган спортчилар етишиб чиқишига ишонаман. Яна бир орзуим — шундоқ велосипедимни минсаму сайрга чиқсам, юртларни кезсам, турфа феълатворли одамлар билан учрашсам, уларга Ўзбекистонимиз дунёда энг гўзал диёр, юртдошларимиз меҳнатсеварликда, ҳалолликда, меҳмондўстликда тенгсиз экани ҳақида ҳикоя қилиб берсам, дейман.

**Мурод ХОЛМУРОДОВ,**
**Чирчиқ олимпия захиралари коллежи мураббийи.**



## Истиқлолнинг бахтли фарзандларимиз

**Қибрайлик Мухтор Миркомилов қарийб ўттиз йилдирки, элнинг яхши кунлари, тўю тантаналарида хизматда. Бундан йигирма икки йил аввал ўғиллик бўлганида санъатга меҳри туфайли унга яхши ниятлар билан Марижод деб исм қўйганди. Не бахтки, бугун ота ўз орзулари ушалаётганидан мамнун.**



— Яқинда дўстларимиздан бири “Хафа бўлмасангиз, бир гап айтаман, кеча “Тараннум”да кўрдик, ўғлингиз мақом қўшиқларини сиздан кўра яхшироқ айтадиган бўлибди”, деб қолди, — дейди Мухтор ака. — “Нега энди хафа бўлай, ахир бу гапни эшитиш мен учун фахр-ку”, дедим.

Чиндан ҳам, фарзанд камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Ҳозир Мирижод исмига монанд тарзда жўшқин ижод завқи билан улғаймоқда, санъатда ўз йўли ва услубини топишга интилмоқда. Юртбошимизнинг ёш истеъдодлар учун таъсис этган “Ниҳол” мукофотини қўлга киритиб, Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиниши эса унинг интилишларига қанот бахш этди. Ҳозир мазкур илм даргоҳида таҳсил олиш баробарида, таниқли бастакорлар Иқбол Муҳаммад ва Мусахон Нурматов билан ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Ана шу “Устоз — шогирд” анъанаси самараси ўлароқ, эл-юртга муҳаббат, ота-она меҳри, соф инсоний туйғуларни тараннум этувчи ўнга яқин қўшиқлар яратди.

**Истеъдод**

— Биз, ёшлар ҳар қадамда Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрликларини ҳис этиб, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётганимиздан фахрланамиз, — дейди Мирижод Миркомилов. — Ана шу эътибор туфайли тенгдошларим хоҳ спортда, хоҳ санъатда ёхуд илм-фанда бўлсин, юксак марраларга эришмоқда.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг чексиз эътибор ва ғамхўрлиги билан ҳар жиҳатдан баркамол янги авлод камол топмоқда. Мана, кўрасиз, ҳали улар эришажак ютуқларга дунё аҳли ҳавас қилади...

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

**Мен Ўзбекистондек фарзандларига ғамхўр ва меҳрибон юртда вояга етаётганимдан фахрланаман. Негаки, айнан мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ўн ёшимдан дунё кеза бошладим.**

## МАҚСАДИМИЗ УЛУҒ, НИЯТИМИЗ ПОК

Мактабимиз остонасига илк бор қадам қўйганимдаёқ шу ерда ташкил этилган енгил атлетика спорт тўгараги аъзоси бўлдим. Бунга қўшимча равишда малакали устоз-мураббийларим ёрдамида каратэ сирларини ҳам ўргана бошладим. Мактабимиздаги шарт-шароитлар, устозларимизнинг фидокорона меҳнати, қолаверса, юртимизда қизларни спортга кенгроқ жалб этиш, спортчи ёшларнинг жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашишлари учун яратиб берилган имкониятлар ҳеч қанча вақт ўтмай, мени ҳам хориж ареналари сари бошлади. Шу чоққача бир неча бор Осиё ва жаҳон миқёсидаги чемпионатларда қатнашиб, совринли ўринларга мушарраф бўлдим.

**Фахр**

Хусусан, 2007 ва 2009 йиллар Японияда, 2008 йили Руминияда, 2010 йили эса Туркия ва Грецияда каратэ бўйича ўтказилган қитъа ва жаҳон биринчиликларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдим.

Устозларим спорт билан шуғулланиш ҳаётингга мазмун, ақлу шууринга теранлик бағишлайди, дейишади. Балки шундандир, дарсларни ўзлаштиришда ортиқча қийинчиликка дуч келмаяпман. Яна ҳам қувонарлиси, спортга ошнолик менинг адабиёт ва санъатга бўлган меҳримни янада кучайтирди. Айни чоғда мактабимиз, шаҳримиз ва вилоятимизда ўтказилаётган маънавий-маърифий кечалар, тадбирларда фаол қатнашаяпман.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйи нишонланган бу йил, айниқса, ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Аъло баҳоларга ўқиб, адабиёт, маданият йўналишидаги тадбирларда фаоллигим, қолаверса, спорт бўйича эришган муваффақиятларим туфайли Юртбошимиз ташаббуслари билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ кўрилдим. Бу эътибор, албатта, мени янада катта мақсад ва марралар сари етаклайверади.

**Зулхумор БОБОЕВА,**
**Ангрен шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси.**

*Жоним Ватан, шаъним Ватан, кўзим Ватан,*
*Эсдан чиқар они кўрғоч, кўрғон ерим...*

**ИЗҲОР**

**Шу табаррук заминда туғилиб ўсган шоир Сидқий Хондайлиқийнинг мазкур мисралари Ватанга муҳаббат, садоқат ва фидойиликнинг ўзига хос бир тараннумидир. Қувонарлиси, ана шундай улуғ аждодларга муносиб авлод бўлиш, бу жаннатмонанд юрт, унинг бебаҳо табиати, сўлим ва хушманзара гўшалари, муқаддас тупроғидан фахрланиш туйғуси айни пайтда пойтахт вилоятида камол топаётган кўплаб ёш қаламкашларга ҳам илҳом бахш этмоқда.**

## Садоқат ва вафо туйғулари

Умид билан ерга сукилган ниҳол бир кун келиб, албатта, мева беради, дейдилар. Бинобарин, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, маънавият ва маърифатнинг юксалишига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Илму ижод ривож топмоқда, истеъдодли ёшлар қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида “Ижод” фондининг ташкил этилиши, ёшларнинг илк тўпламлари “Биринчи китобим” рукни остида давлат ҳисобидан минглаб нусхаларда чоп этилаётгани ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Вилоятимизда жойлашган “Дўрмон” ижод уйи бугун нафақат катта авлоднинг, балки ёш қаламкашларнинг ҳам талпиниб борадиган масканига айланиб қолди. Бу ерни ҳозир мамлакатимизнинг турли нуқталарида камол топиб келаётган ёш ижодкорларнинг бошини қовуштирувчи маърифий анжуманлар, бадиий кеча ва мушоиралар, издиҳомлар маркази, дейиш ҳам мумкин. Устоз-шогирдлик анъаналари асосидаги маҳорат мактаблари фаолияти мунтазам йўлга қўйилгани ҳам диққатга сазовордир.

Айни пайтда вилоятдаги ўнга яқин ёш ижодкорларнинг назм ва наср йўлидаги изланишлари айнан шу davраларда устозлар назарига тушиб, нашрга тавсия қилинди. Бугун Дўрмон боғида устозлар изидан ихлос билан эргашаётган паркентлик Зоҳиджон Холов, ўртачирчиқлик Мухлиса Холматова, бекободлик Ситора Тошматова, Хуршида Ҳамдамова каби ёшлар орасидан давлатимизнинг адабиётга, маънавиятга бўлган юксак эътиборига муносиб жавоб бера оладиган ижодкорлар етишиб чиқса, не ажаб. Энг муҳими, улар қалбида она-юртга муҳаббат, садоқат ва вафо туйғуларини куйлашга мойиллик устувор. Хусусан, паркентлик ёш қаламкашлардан бири Наима Абдураҳмонова “Ифтихор” шеърида шундай ёзади:

*Бу шундайин*
*муаззам юртки,*
*Бунда ҳурлик*
*даврон суради.*
*Эзгуликнинг майсаларидан*
*Қалдирғочи*
*ватан қуради...*

Бир қарашда оддийгина кўринган бу мисралар мустақил ва обод Ватан меҳридан илҳом олаётган, унинг келажагини, тинчлигини, ҳурлигини, бунёдкор халқнинг эзгу орзу-умидларини фахр-ифтихор билан мадҳ этишга интилаётган баркамол авлоднинг самимий дил изҳори эканлиги кишига бир олам завқ беради.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари ўринбосари.**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 284,4 ▲ +4,1 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 254,6 ▼ -36,9 | АРМАТУРА 3269,5 ▲ +185,7 | ШИФЕР (1 лист) 15659 ▼ -41 | АЗОТ. ФОСФОР. ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. | |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5